Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
30-yanvar,
shanba,

№ 13
(3674)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик



*Бугун дўконларимизни тўлдириб турган ширинликларнинг аксарияти юртимизда ишлаб чиқарилаётгани бизни хурсанд қилади. Жумладан, Тошкент шаҳрида жойлашган "Fayz Foundation" қўшма корхонаси маҳсулотлари ҳам аллақачон ўз харидорларини топган. Ушбу корхонада 40 турдан ортиқ шоколад ва конфетлар ишлаб чиқарилиб, халқимиз дастурхонига етказиб беріляпти. Дастлаб музқаймоқ, шоколад ва бошқа турдаги ширинлик ишлаб чиқарувчиларга хом ашё ва қўшимчалар етказиб берган корхона аста-секин тайёр маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. 2008 йили шоколадлар тайёрлашга мўлжалланган биринчи линия ишга туширилди. Ўтган давр мобайнида эса турли ширинликлар учун мўлжалланган линиялар сони 4 тага етказилди.*

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**



Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?

## Фаровон ҳаёт лаззати

**Ҳаёт ҳақида гап кетганда инсон беихтиёр бугунни ўтмиш билан қиёслайди. Кўпни кўрган одамларнинг таққослашларида мамлакатимиздаги ўзгаришлар, инсон манфаатларига қаратилган ислоҳотлар самараси яққол билинади.**

— Саксонинчи йилларда Тошкентда ўқиганмиз, — дея ҳикоя қилади Чироқчи туманининг Ўтамайли қишлоғида яшовчи Расул Тўраев. — Байрамларда, таътилларда қишлоққа келиб-кетишимизда роса йўл азобини тортардик. Тошкентга ҳафтада икки марта поезд қатнар, унда сира бўш жой бўлмасди. Вагон кузатувчисига ялиниб, тик туриб кетардик. Кечқурун чиқсак, 10-12 соат йўл юриб, силламиз қуриб уйга борардик. Ҳозир неварам Тошкентда ўқийди. «Афросиёб»га ўтириб, уч соатда Қашқадарёга келади. Вилоятимизга ҳар куни учта поезд қатнаркан. Ишониш қийин. Яқинда қизиқиб, поездда Тошкентга бориб келдим. Йўл юриб чарчаш қаёқда, ўриндиқларнинг юмшоқлигидан роҳат қиласиз. Халқимиз шундай иззат-эътибор кўрар экан-ку, дедим. Шу кунларга етказганига мингдан-минг шукр қилдим.

Бундай гапларни бугун ҳар бир юртдошимиздан эшитишимиз мумкин. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз шунчалик ўзгариб, ривожланиб кетдики, буни кўрмаслик, сезмасликнинг иложи йўқ. Қаерга қараманг, янги бинолар, уй-жойлар қурилаётган бўлади. Энг замонавий техника ва технологиялар ҳаётимизга кириб келмоқда. Халқимиз фаровонлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда барпо этилаётган янги массивлар аҳолига манзур бўлмоқда.

— Илгари Қарши, Тошкент шаҳарларида яшаганмиз, — дейди Қарши туманининг «Мирмирон» массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйда истиқомат қилаётган Илҳом Каромов. — Янги уйимизнинг шаҳардаги ҳовлилардан кам жойи йўқ. Газ, сув, электр муҳайё. Остонамизгача асфалт. Мактаб, мактабгача таълим муассасаси, дўконлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари бир қадам. Қулайликлардан яйраб, болалар билан мазза қилиб, дориламон кунларимизга шукрона айтиб, Президентимиздан миннатдор бўлиб, умргузаронлик қилаяпмиз.

Бугун қайси бир қишлоққа борманг, энг кўркам бино коллеж, мактаб, қишлоқ врачлик пунктларидир. Ҳар йили давлат бюджетининг қарийб олтмиш фоизга яқини ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилаётгани давлатимиз раҳбарининг халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қанчалик эътибор қаратаётганини кўрсатади.

Аҳолининг оғирини енгил қиладиган, ҳаёт сифатини оширадиган воситалардан бири автомобилдир. Мустақиллик йилларида халқимиз ҳаёт даражаси нақадар юксалганини биргина шу жиҳат орқали ҳам англаш, ҳис қилиш мумкин.

Илгари қишлоқларда битта-иккита машина бўлар, кимнингдир шошилинч иши чиқиб қолса, ўшаларникига чопарди. Бугун энг чекка қишлоқда ҳам юкингиз ерда қолмайди. Ҳар икки уйнинг бирида машина. Баъзи оилаларда иккитадан автомобил бор. Исталган йўналишга таксилар қатнаб турибди. Уйда ўтириб таксига буюртма бераверасиз.

Ҳар бир мамлакатнинг бойлиги, қудрати, аввало, халқининг фаровонлиги, юрт ободлиги билан ўлчанади. 2015 йилда иқтисодиётни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришилгани аҳоли даромадлари кўпайишига, одамларимиз ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод ва кўркам бўлишига замин яратди.

— Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олди ва дадил илгари бормоқда, — дейди «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлимининг раҳбари Январ Иноятов. — Ютуқларимизнинг бош омили истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган беш тамойил асосидаги «ўзбек модели»га қатъий амал қилинаётганидир.

Халқимиз 2016 йилга катта орзу-умидлар билан қадам қўйди. Орзу-ҳавослари мўл, меҳнаткаш халқимизга яхши кунлар муносибдир.

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

Анжуман

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигининг 2015 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда жорий йилдаги режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

## Сарҳисоб ва режалар

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари Ш.Шоваҳобов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда автомобил транспорти хизматлари кўрсатишни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар юқори самаралар бераётганини таъкидлади.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида бўлгани каби автомобил транспорти хизматлари бозорида ҳам рақобат муҳити шакллантирилган. Йўловчи ташиш йўналишлари учун очиқ тендер танловлари ўтказилаётгани, ташувчиларга тенг ва кенг шароит яратилаётгани самарасида хизмат кўрсатиш сифати ошмоқда.

2015 йилда ўтказилган 133 очиқ тендер асосида 1116 йўловчи ташиш йўналиши хўжалик субъектларига берилган. Тижорат асосида фойдаланиш мақсадида 587 юк автомобили, 85 микроавтобус ва 445 енгил автомобил харид қилинган. 65 янги йўловчи ташиш йўналиши ташкил этилган. Кўплаб дарё транспорти воситаси техник кўрикдан ўтказилиб, янгилари рўйхатга олинган.

Агентлик ва унинг барча ҳудудий бўлимларида лицензия беришнинг соддалаштирилган тартиби — "ягона дарча" тамойили жорий этилган. Ўтган йили хўжалик субъектларига 2785 лицензия ва 182 минг донадан зиёд лицензия варақаси берилган.

Ҳукуматлараро битимлар доирасида 24 хорижий мамлакатнинг транспорт бўйича ваколатли органлари билан халқаро юк ташувларини амалга ошириш учун 30 минг 520 дона рухсатнома бланкаси тенг ҳуқуқлилик асосида алмаштирилган.

Жорий йилда автотранспорт хизматлари ва сервисни янада ривожлантириш, янги йўналишлар ташкил этиш ҳамда ташувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Анжуманда журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

**Б.БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Хотин-қизлар эътибор ва рағбатда

Мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилишда бу борадаги ишларнинг натижаси ҳақида сўз борди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган 12 йиллик узлуксиз таълим тизимида қизлар билимли, касб-ҳунарли бўлиб тарбияланаётгани алоҳида таъкидланди. Бу уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда.

2015 йилда касб-ҳунар коллежларини битирган 218 минг 886 қизнинг 94 фоизи мутахассислиги бўйича ишга жойлашган. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги қизларга имтиёзли кредитлар ажратилган.

Хотин-қизлар қўмитасининг ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борган ишлари натижасида ўтган йили мамлакатимизда хотин-қизлар учун 404 минг 155 иш ўрни яратилди. Уларнинг салмоқли қисми кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига тўғри келди.

Қўмита томонидан барча маҳаллаларда ташкил этилган «Саломатлик секторлари» вакиллари ҳар бир оилага кириб, аёллар ва қизлар, ёш болаларни соғломлаштириш жараёнларига тўлақонли қамраб олинишига кўмаклашди. Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган турли спорт мусобақаларига ёши ва касб-кори турлича бўлган хотин-қизлар кенг жалб этилди. Оилавий ажримлар ва қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида маҳаллалар ва таълим масканларидаги «Ораста қизлар» тўгараги аъзолари ёши улуғ, ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларга ҳар томонлама ёрдам берди. Турли ижтимоий-маърифий акциялар, давра суҳбатлари, «Авлодлар учрашувлари» ўтказилди.

Қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар аёлларнинг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини шакллантириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилди.

Йиғилишда қўмита фаолияти кенг ва атрофлича таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Нодавлат секторда — касаба уюшмаси

## Келажаги бор корхона

**"Seyman & bahor kelajagi" хусусий корхонасида асосан хотин-қизлар меҳнат қилади. Фарғона туманининг сўлим Водил қишлоғида жойлашган корхона 2014 йилда фаолиятини йўлга қўйганди. Ёш тадбиркор Мавлудахон Зокирова даставвал 4 нафар чевар қиз билан иш бошлаган эди. Ҳозирда ишловчилар сони икки ярим бараварга ортган.**

Жамоа 2014 йилда 78 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 112 млн. сўмга етди. 2016 йил учун белгиланган режа яна ҳам юксак.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргир бўлиши унинг сифат даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, ҳар қандай тадбиркор ана шу омилдан келиб чиқиб иш тутади.

— Истеъмолчиларнинг диди жуда баланд, — дейди корхона раҳбари М.Зокирова. — Шу боис дизайнга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, корхонада тайёрланган маҳсулотлар эл оғзига тушиб, турли танловларда ғолиб чиқмоқда.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Севарахон Шаробиддинованинг таъкидлашича, ишловчилар учун барча шароит яратилган. Ювиниш, дам олиш, овқатланиш хоналари улар хизматида. Хусусий корхона қошида тренажер зали ташкил этилган бўлиб, танаффус вақтида ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланиш имкони бор.

Ижтимоий ҳимоя масалалари жамоа шартномасида тўлалигича ўз аксини топган. Хотин-қизлар учун барча имтиёз ва кафолатлар киритилган. Иш ҳақи ўз вақтида беріляпти.

Мазкур ҳужжатга биноан тикувчилар махсус кийим-бош, иссиқ овқат билан таъминланган. Йилда бир маротаба тиббий кўрик ташкил этилади. Ижтимоий шериклик асосида касаба уюшмаси ташкилоти билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Корхонага тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Муқаддасхон Абдуллаева тез-тез келиб, маслаҳатлари билан касаба уюшма қўмитаси раисини қўллаб туради.

Ёш тадбиркорнинг режалари бир олам. У келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириб, маҳсулотларни экспорт қилиш, янги иш ўринлари яратиш, хорижий корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйишни мақсад қилган.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



Келгуси вазифалар масъулияти

>> 2



Интилиш ва изланиш самараси

>> 3



Оилавий спорт мусобақалари

>> 4

Маънавият соати

# Оқилона сиёсат меваси

***Нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Маънавият соати» ўтказилди. Унда Федерация Кенгаши, касаба уюшмалари Республика кенгашлари аппарати, Санатор-курортлар бошқармаси ходимлари иштирок этди.***

Тадбирда Ўзбекистон Миллий университети доценти Аҳмаджон Мелибоев Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Маърузачи ўз сўзида барча соҳаларда эришилган ютуқларга тўхталиб, бунинг барчаси истиқлол йилларида олиб борилаётган оқилона сиёсат меваси эканлигини айтиб ўтди. 2016 йилда ижтимоий соҳага давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратиш белгиланганини, бу эса таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларнинг янада ривож топишига олиб келиши алоҳида таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз**

# Ўзбек кураши жаҳон майдонида

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 1999 йил 1 февралдаги "Халқаро Кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони миллий курашни жаҳон миқёсида кенг оммалаштиришда муҳим омил бўлди.**



Замонлар бўлди — халқимизнинг илдизига болта урмоқчи бўлди, замонлар бўлди — миллат, миллийлик, қадрият деганларнинг уйи куйди. Ана шундай қийин даврларда ҳам халқимиз ўзлигига, бобомерос тутумларига содиқ қолди. Давра қуриб, давра олиб, кураш тушаверди.

— Ота-боболарим моҳир курашчи бўлиб, тўю томошаларда davраларни қиздирган. Қаерга борса, мени ёнида олиб юриб, тенг-тўшларим билан олиштириб, курашга меҳр уйғотган. У пайтлар уруш, очарчилик, қийинчилик кўриб катта бўлганмиз. Қорнимиз тўймай, оч-юпун юрсак ҳам кураш тушишдан чарчамасдик, — дейди қашқадарёлик етмиш беш ёшли Абдурашид Мирзаев. — Умр бўйи кураш тушган бўлсам ҳам полвонликнинг ҳақиқий бахтига мустақиллигимиз туфайли эришдим. Чекка бир қишлоқдаги мендек бир полвоннинг қатор хориж давлатларида ўтказиладиган нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиб, курашни тарғиб этишга ҳисса қўшишининг ўзи катта бахт!

Ҳа, истиқлол туфайли кураш янги ҳаётини бошлади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг севимли машғулотига айланди.

Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти совринини учун Шаҳрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирлар ташкил этилди. 1992-1998 йилларда Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, Америка, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши кенг намойиш қилинди. Натижада, жаҳон ҳамжамияти 1998 йил 6 сентябр куни ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди. Осиё, Европа ва Американинг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциациясига (IKA) асос солинди.



Бугун дунёнинг юз йигирмадан ортиқ давлатида кураш кенг оммалашмоқда. Кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юксак савияда ташкил этилаётир. Бу мусобақаларда дунёнинг барча қитъасидан номдор полвонлар ўзбекона камтарлик ва мардонаворлик билан таъзим қилиб, гиламга чиқмоқда, давра айланиб, кураш тушмоқда.

Кураш халқаро ассоциацияси, Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари томонидан курашнинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш, уни келажакда ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

2007-2008 йилларда Макао ва Вьетнамда ўтган II ва III ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида, 2009 йили Таиландда жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинларида, 2013 йили Жанубий Кореяда ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинларида, 2014 йили Таиландда ўтган Осиё соҳил ўйинларида кураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

2015 йилнинг сентябр ойида Осиё олимпия кенгашининг Ашхобод шаҳрида ўтказилган навбатдаги Бош ассамблеясида кураш 2018 йили Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказиладиган XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Энди кураш бир йўла учта нуфузли мусобақа — 2016 йили Вьетнамда ўтадиган Осиё соҳил ўйинлари, 2017 йили Туркманистонда бўладиган ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича Осиё ўйинлари ҳамда 2018 йили Индонезия мезбонлик қиладиган ёзги Осиё ўйинлари дастуридан жой олди.

Осиё олимпия кенгаши томонидан ҳар тўрт йилда ташкил этиладиган ва қитъа олимпиадаси сифатида эътироф этилган ёзги Осиё ўйинлари нуфузи ва аҳамияти жиҳатидан Олимпия ўйинларидан кейинги муҳим мусобақадир. Унда қитъамизнинг деярли барча мамлакатларидан минглаб спортчилар иштирок этади. Шу боис мазкур ўйинлар дастуридан жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга, барча қитъаларда ривожланиб бораётган спорт турлари жой олади. Бу курашнинг Олимпиада спорт турлари қаторига кириши йўлидаги яна бир залворли қадамдир.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**




## Чўлда ўрмон яратиш мумкин

*Голландиялик тадқиқотчи Петер Хофф Groasis Waterboxx деб номланган қурилмани ясади. У сув бўлмайдиган жойларда дарахт ва буталар ўстириш, чўлни ям-яшил ўрмонга айлантириш имконини беради. Бу ҳақда lenta.ru хабар бермоқда.*



Waterboxx — суғорилмайдиган қурилма бўлиб, у тунги шабнам ҳамда камдан-кам бўладиган ёғинлардан сув тўплайди. Бунинг натижаси ўлароқ, кўчатни узоқ вақт давомида сув билан таъминлайди. Тизим цилиндр шаклидаги корпусдан иборат. Унда 15 литрга яқин сув сақланади. Тескари конус шаклидаги томи эса сувнинг корпус ичига оқиб тушишига хизмат қилади.

Ҳар бир кўчат контейнер ичидаги матоли ёки картон тўшамага маҳкамланади. Намлик илдизларга капиляр йўли билан боради. Шу боис ўсимликка аста-секин, бироқ тўхтовсиз униш имконини беради.

Тажрибавий экиш чоғида 55 мингдан ортиқ дарахт ўтқазилди ва 20 мингдан зиёд Waterboxx контейнери ишлатилди.

## «Ходим» роботлар

*Одамга ўхшаш Pepper роботлари уяли алоқа салонлари сотувчилари ўрнини эгаллайди. Бу ҳақда hi-tech.mail.ru хабар бермоқда. Баъзи давлатларда одамга ўхшаш роботлар ишчи-ходимлар сифатида синовдан ўтказилмоқда. Агар тажриба ижобий якунланса, ақлли машиналар борган сари одамлар ўрнини кўпроқ эгаллай бошлаши муқаррар.*



Бу янгилик Японияда ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Бу ерда роботларни қолган бошқа исталган давлатдан кўпроқ учратиш мумкин.

Япониянинг йириклиги бўйича учинчи рақамли мобил оператори ҳисобланувчи Softbank телекоммуникация компанияси ўзининг уяли алоқа салонларида мижозлар билан ишлаш учун Pepper роботларидан фойдаланишини эълон қилди.

«Янги ходимлар»нинг мажбуриятига мижозлар билан муомала қилиш, мобил хизматлар бўйича маслаҳат бериш ва шартномаларни расмийлаштириш киради.

Эслатиб ўтамиз, одамга ўхшаш Pepper роботи суҳбатдошининг ҳиссиётларини англай олади ва уларга мос равишда жавоб беради. Мисол учун, агар робот сизни ғамгин ҳолда кўрса, овутиш ва хурсанд қилишга ҳаракат қилади.

## Сувли кўприк

*Шарқий Нидерландиянинг Хардервейк шаҳрида Aqueduct Veluwemeer кўприги барпо этилди. У Нидерландияни Флеволанд ороли билан боғлайди.*



«Adme» нашрининг хабарига кўра, унинг ноёблиги шундаки, кўприк орқали автомобиллар эмас, катер ва кичик кемалар ўтади. Муҳандислар фикрича, кўл остидан кичик туннел қуриш сув устида кўприк қуришдан кўра арзонроққа тушади. Автомагистралдан кунига 28 мингта машина юради.

Ушбу майдонда сув сатҳини тартибга солиш бўйича технологиялар қўлланилса-да, туннел барибир, вақти-вақти билан сув остида қолади.

## Дунёнинг энг бой эллик одами

*Business Insider портали ўзининг ходимлари ва «Wealth-X» нашри билан биргаликда ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, сайёранинг энг бадавлат 50 кишисини аниқлади. Бу ҳақда «Форбес» нашри хабар қилмоқда.*



Тадқиқот учун энг кўп даражада молиявий таъминланган 50 киши танлаб олинди, уларга тегишли жами бойлик 1,46 трлн. АҚШ долларига тенг.

Рейтингнинг энг юқори поғонасини Microsoft компаниясининг асосчиси ва собиқ энг йирик акционери, 60 ёшли Билл Гейтс эгаллади. Унинг маблағи 87,4 млрд. АҚШ долларига баҳоланди. Кейинги ўринда 79 ёшлик Амансио Ортега бормоқда, унинг давлати 66,8 млрд. АҚШ долларига тенг деб топилди. Ортега Inditex компанияси асосчиси ҳисобланиб, бу компания 77 давлатда 5 минг дўконга эга. Энг бадавлат одамлар етакчи учлигини дунёдаги энг таниқли инвесторлардан бири, 85 ёшли америкалик Уоррен Баффет якунламоқда. Унинг бойлиги 60,7 млрд. АҚШ доллари дея баҳоланди.

**Интернет материаллари асосида**
**А.АРСЛОНОВ тайёрлади.**

## *Қиш зийнати*



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

# Оилавий спорт мусобақалари

**Жорий йил мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Соғлом оила" шиори остида Республика оилавий спорт мусобақаларига старт берилди. Баҳслар тўрт босқичда ўтказилади.**

Югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш, "Моҳир ҳужумчи", "Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боплаймиз", "Тезлик", "Эпчиллик", "Бир жамоа" эстафеталари ҳамда арқон тортиш каби қизиқарли шартларга кўра ота, она ва фарзанддан иборат жамоа аъзоларининг чаққонлигини синовдан ўтказади.

Мусобақаларнинг биринчи босқичи корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган ташкилий қўмиталар раҳбарлигида ўтказилаётир.

Маълумотга кўра, Қашқадарё вилоятидаги 1045 та корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этилган мусобақаларда 6289 та оиладан, жами 18867 нафар меҳнаткаш қатнашиб, ғолиб ва совриндорларга бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг диплом ва совғалари топширилди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши томонидан бошланғич касаба уюшма ташкилотларида "Соғлом оила" шиори остидаги оилавий спорт мусобақаларининг 1-босқичи кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.**

Андижон шаҳридаги 10-, 15-, 37-умумтаълим мактаблари ҳамда Халқ таълими тасарруфидаги "Баркамол авлод" марказида шундай мусобақалар ташкил этилди. Ушбу спорт тадбирларида 50 та оила иштирок этди. Ғолибликни қўлга киритган оилалар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

Мусобақанинг дастлабки босқичи бошланғич касаба уюшма ташкилотларида давом этмоқда.

**Ферузахон ҚУРБОНОВА,**
**Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири**

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir v.b.**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-95) 502-68-99
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** N.Rafiqov
**Navbatchi:** D.Oripov
**Musahhih:** S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:00**
Topshirildi — **22:10**
1 2 3 4 5

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 115.
20878 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133